

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ
ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ВА НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РАЗЗАКОВ СОБИРЖОН ЖУРАЕВИЧ

**МУСТАҲКАМЛИГИ КИЧИК МАТЕРИАЛЛАРДАН ТИКЛАНГАН
ХУСУСИЙ ТУРАР-ЖОЙ УЙЛАРИНИНГ КОНСТРУКЦИЯВИЙ ВА
СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

05.09.01–Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (Doctor of Science) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/T8 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

**Рўзиёв Қодиржон
Исмоилович**

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Абдурашидов Қобул Содиқович

техника фанлари доктори, профессор

Ходжаев Аббос Агзамович

техника фанлари доктори, профессор

Щипачева Елена Владимировна

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.т.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг **2017 йил «20» июль соат 10⁰⁰** даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 13-уй. Тел.:(998 71) 241-10-84; факс: (998 71) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертацияси билан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№1 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 13-уй. Тел.:(998 71) 244-63-30; факс: (998 71) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz.

Диссертация автореферати 2017 йил «07» июль куни тарқатилди.
(2017 йил «07» июлдаги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Х.А.Акрамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.Р. Низамов

Қ.С.Абдурашидов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳон амалиётидаги қурилишларда экологик соф материаллардан фойдаланиш, энергиятежамкор технологиялар ва ресурсларни самарали қўллаш ҳамда бино ва иншоотларнинг сейсмик ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари етакчи ўринни эгаллайди. «Тадқиқотларга кўра, ер шарининг 30 % аҳолиси, мустаҳкамлиги кичик маҳаллий материаллардан тикланган уйларда, қишлоқ жойларида яқин 50 % турар-жой уйлари ва ёрдамчи хоналари мустаҳкамлиги кичик материаллардан қурилган»¹. Бу борада дунёнинг ривожланган мамлакатларида маълум ютуқларга эришилган бўлиб, бино ва иншоотларни лойиҳалашда мустаҳкамлик ва зилзилабардошликни таъминлаш учун конструктив ечимлар ва антисейсмик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида турар уй-жойларни қуриш, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги, конструкциявий ва сейсмик ҳавфсизлигини таъминловчи ҳисоблаш ва лойиҳалаш усулларини ишлаб чиқишга борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Бу борада бино ва иншоотлар конструкцияларининг заиф жойларини кучайтириш, ҳисоблаш усуллари, технологиялар ва қурилиш меъёрларини ишлаб чиқишни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Жаҳонда зилзилабардош бино ва иншоотларни лойиҳалаш, экологик соф ва энергия тежамкор қурилиш материалларидан конструкциялар яратиш, сейсмик тўлқинни бинога таъсирини ва юз бериши мумкин бўлган шикастланиш ҳамда зиёнларни камайитириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада маҳаллий экологик соф мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган хусусий турар-жой уйлари конструкцияларини статик ва сейсмик кучларга ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, юк кўтарувчи конструкцияларининг кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолатини аниқлаш, ҳисоблашларда биноларни ишлаш шароити реал геометриясини ҳисобга оладиган фазовий математик моделлар ва алгоритмларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш, соҳадаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланиб, мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини изоҳлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 январдаги

ПҚ-2282-сон «2015 йилда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида»ги, 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон «2017 - 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 августдаги 251-сон «2016-2017 йилларда

¹ Развитие глинобитного строительства и архитектуры // Материалы международной конференции «Современная архитектура и инновации» -Ташкент, 2012. -С.8-18.

жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини тўла инвентаризациядан ўтказиш» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар VIII - «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом-ашёни қайта ишлаш)» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Якка тартибдаги турар-жой уйлари нинг мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлигини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва ва олий таълим муассасалари, жумладан, The Earth Building Foundation, Southwest Solar Adobe School (АҚШ), Lehmzentrum, Dachverband Lehm, Universitaet Bauhaus Weimar und Kassel Deutschland (Германия), Bodenkultur Universitaet Wien (Австрия), CraTerre-EAG (Франция), University Nagoya (Япония), National technologies institut of Kumoh(Жанубий Корея), Earth building Association (Австралия), Марказий қурилиш конструкциялари илмий-тадқиқот институти (МҚКИТИ), Москва давлат қурилиш университети, Новосибирск давлат архитектура қурилиш университети (Россия), Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ва Тошкент архитектура қурилиш институтида (ТАҚИ, Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланадиган турар-жой уйлари қурилишининг технологик жараёнларини такомиллаштиришга оид жаҳон илмий марказларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: сейсмик устувор девор конструкцияси, мустаҳкамлиги кичик бўлган қурилиш материалларидан фазовий конструкциялар ва грунт блокли девор конструкцияси ишлаб чиқилган (Universitaet Bauhaus Weimar und Kassel Deutschland, «Giza», Italy), биноларни сенсорлар ёрдамида деформацияланишини аниқлаш услубияти яратилган (National technologies institut of Kumoh, Жанубий Корея), бино ва иншоотларни сейсмик таъсирларга экспериментал синаш учун сейсмоплатформа ва ёғоч элементларини узок муддатга чидамлигини

ошириш усули яратилган (Марказий қурилиш конструкциялари илмий тадқиқот институти, Россия), модификация қилинган яхлит девор конструкцияси яратилган ва қиздириш орқали девор мустаҳкамлигини ошириш усули ишлаб чиқилган (Тошкент архитектура-қурилиш институти, Ўзбекистон).

Дунёда маҳаллий материаллардан бино ва иншоотлар лойиҳалаш, қуриш, сейсмик ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: такрорий ўзгарувчан юклар таъсирида конструкцияларнинг бирикиш тугунлари чокларидаги эластик ва пластик деформацияларни ўзгариш қонуниятларини

6

тадқиқ қилиш орқали ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш; сейсмик юк берувчи қурилма яратиш ва зилзилабардошликка ҳисоблаш учун зарур бўлган реал динамик характеристикаларни асослаш; биноларни зилзилабардошликка ЭХМ ёрдамида ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқиш; статика ва динамика ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, фазовий моделлар ва экспериментал тадқиқотлар асосида бинолар динамик характеристикаларини белгилаш; кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолати таҳлилида аниқланган конструкциялар заиф жойларини кучайтириш усулларини ривожлантириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бинолар ва иншоотлар, материаллар ва конструкциялар элементлари мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлиги соҳасида илмий тадқиқотлар масалалари ва муаммолари бир қатор хориж ва республикаимиз олимлари: Ф.Омори (Япония), М.А.Био, Г.В.Хауэнер, Дж.Л.Альфорда (АҚШ), Г.Липсмайер, Н.Schroeder (Германия), Ц.Ломнитц, Э.Розенблют (Мексика), В.И.Бируля, С.Колачек, Ф.Кобосил (Чехия), И.Л.Корчинский, Я.М.Айзенберг, Е.Д.Рождественский, И.А.Попов, Л.Н.Лебедев, В.М.Хрулев, Р.И.Рыков, К.С.Завриев (Россия), L.Zegarra (Перу), Alfred Schtraus (Австрия), Қ.И.Рўзиев, Т.Р.Рашидов, Қ.С.Абдурашидов, А.Б.Ашрабов, М.М.Мирсаидов, А.И.Мартемьянов, А.А.Ашрабов, Б.А.Асқаров, Х.З.Расулов, И.К.Касимов, Н.Самигов, С.А.Ходжаев, А.А.Ходжаев, А.А.Тўлаганов, Е.В.Щипачева, Х.А.Ақромов, Ш.А.Ҳакимов, Л.М.Ботвина, В.А.Ржевский, И.Ф.Ципенюк, С.Р.Раззоқов, Ш.Р.Низамов, М.Н.Убайдуллоев, П.Т.Мирзаев, М.А.Юсупова, А.А.Султонов, Б.А.Ҳабилов, Н.Б.Шоумаров, М.А.Ахмедов, У.Ш.Шамсиев, С.А.Саидий, В.А.Кондратьев, В.Т.Рассказовский, С.Матъязов, В.Г.Фасахов, И.Ю.Синельников, С.Турсунов, И.М.Ходжиев, З.С.Шадманова (Ўзбекистон), Т.Ж.Жунусов, А.Т.Шипанов, М.Н.Тулегенов, Т.С.Токаев (Қозоғистон), Ж.И.Маматов (Қирғизистон) ва бошқалар ишларида кўриб чиқилган ва муҳим натижаларга эришилган.

Бино ва иншоотлар девор конструкциялари материалларига қўшимчалар қўшиш орқали физик-механик хоссаларини мақбуллаштириш бўйича И.К.Касимов, Л.М.Ботвина, И.А.Попов, Е.Д.Рождественский, Л.Н.Лебедев, В.Т.Павленко, В.М.Хрулев, Р.И.Рыков ва бошқалар илмий-тадқиқотларида бир қатор илмий усуллар ишлаб чиқилган ва ҳозирда ҳам улар қурилишларда

муваффақиятли қўлланилмоқда.

Биоларнинг девор конструкцияларини кучайтириш масалаларини ечиш билан боғлиқ тадқиқотлар бир қатор олимлар томонидан олиб борилган, жумладан Н. Schroeder, Қ.И. Рўзиев, Т.Р. Рашидов, Қ.С. Абдурашидов, В.Т. Рассказовский, Ш.С. Юлдашев, И.Ю. Синельников, С.А. Саидий, И.М. Ходжиев, С.У. Исабаев ва бошқалар таҳлили шуни кўрсатадики, маҳаллий материаллардан тикланган уйлар зилзилабардошлигининг етарли эмаслиги бу материаллар тўғрисидаги ҳисобий меъёрий маълумотларнинг камлиги ҳисобланади. Шунга қарамадан глинанинг нисбатан арзон ва экологик софлиги, бу материалларни 8 балли сейсмик ҳудудларда ҳам кенг қўлланилишига олиб келган. Шунинг учун зилзилабардошликни таъминлаш

7

мақсадида уни илмий асослаш, ҳисоблаш ва зилзилабардош якка тартибдаги уйлар лойиҳаланиши зарурдир. Таъкидлаш жоизки, мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган хусусий турар-жой уйлар ҳисоби услубига аниқлик киритиш, девор терими физик-механик хоссаларини ўрганиш, биолар зилзилабардошлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-8.32-«Маҳаллий хом ашё асосида қуриладиган биоларнинг зилзилабардош конструкцияларини яратиш ва экспериментал тадқиқ қилиш ҳамда самарали қурилиш технологияларини ишлаб чиқиш» (2003-2005), ИТД-16.015-«Якка тартибдаги турар-жой биоларини олдиндан сейсмик мустаҳкамлигини аниқлаш» (2009-2011) ва ИТД-А14-ФА-Ф052-«Фарғона водийси хусусий турар-жой қурилиш объектлари техник ҳолатини баҳолаш ва зилзилабардошлигини ошириш ва таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш» (2012-2014) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган хусусий турар-жой уйлар конструкциявий ва сейсмик ҳавфсизлигини баҳолаш ва оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган хусусий турар-жой уйлар конструкцияларини реал ишлаш шароитини ҳисобга олган ҳолда фазовий математик моделини яратиш ва ҳисоблаш услубиятини ишлаб чиқиш;

бино каркаси ёғоч элементлари ҳисобини такомиллаштириш; ўзгарувчан юкламадан каркас ёғоч элементидаги қолдиқ пластик деформацияни баҳолаш;

муаллиф томонидан ишлаб чиқилган мажбурий тебранишларни ҳосил қилувчи йўналтирилган куч бериш қурилмаси ёрдамида, маҳаллий материаллардан тикланган уйлар моделларини экспериментал синаш орқали динамик характеристикаларни аниқлаш;

кучайтирилган деворли мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган хусусий турар-жой уйлар динамик характеристикаларини табиий синовлар орқали аниқлаш;

мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган хусусий турар-жой уйларни табиий тадқиқ қилиш;

конструкциявий ва сейсмик ҳавфсизлиги таъминланиши учун ёғоч каркас тугунлари ва глина уйлар конструктив ечимларини ва кучайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

сейсмик таъсирга якка тартибдаги уйларни ҳисоблаш муҳандислик услубиятини ишлаб чиқиш;

мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлиги таъминланган турар-жой уйлар лойиҳалаш бўйича тавсиялар ва ҳисоблаш дастурлари, ишланмани амалиётда қўллаш.

8

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон ҳудудидаги мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган хусусий турар-жой уйлар қаралган.

Тадқиқотнинг предметини мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган уйлар фазовий моделларининг кучланганлик деформацияланувчанлик ҳолати, уларнинг конструкциявий ва сейсмик ҳавфсизлигини баҳолаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Чекли элементлар, энг кичик квадратлар, экспериментал-тортиб узиш, бинолар тебранишларини кўп каналли тадқиқ қилиш ва сўнувчи тебранишлар усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

конструкциявий ва сейсмик ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган турар-жой уйларнинг ҳисоблаш услубияти ишлаб чиқилган;

терим материаллини физик-механик ва деформатив характеристикаларини аниқлашга экспериментал-назарий ёндошуви ишлаб чиқилган; “Синч” турдаги уйлар ёғоч каркаси эгилувчи элементларидаги кучланишга бўйлама кучнинг таъсири асосланган;

бўйлама кучдан асосий эгувчи моментни камайишини эътиборга олган ҳолда “Синч” турдаги уйлар эгилувчи ёғоч каркас элементларидаги нормал кучланишни ҳисоблаш такомиллаштирилган;

“Синч” туридаги уйлар ёғоч каркаси элементларида ёғоч толалари бўйлаб пластик деформациянинг ривожланиш характерини юкланиш даражаси ва юклаш цикллари сонига боғлиқлиги асосланган;

сейсмик таъсирни берувчи куч бериш қурилмаси-йўналтирилган ҳаракатли вибростенд ёрдамида мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган уйлар хусусий тебранишлари динамик характеристикаларини аниқлашга экспериментал ёндошув ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат: ёғоч каркасли биноларни динамик характеристикаларини ҳисоблаш KARKAS ва маҳаллий

материаллардан тикланган бинолар зилзила бардошлигини аниқлаш-SEISM-STAB-BUILDING (муаллифлик гувоҳнома лари № DGU 03902 ва № DGU 03932) ЭХМ ҳисоблаш дастурлари ишлаб чиқилган;

турар-жой уйлар чўзилувчи-эгиловчи ёғоч каркас элементларидаги нормал кучланишни ҳисоблаш такомиллаштирилган;

сейсмик таъсирни берувчи, йўналтирилган ҳаракатли вибростенд-куч қурилмаси ишлаб чиқилган;

кучайтирилган глинали уйларнинг динамик характеристикалари аниқланган;

мустаҳкамлиги кичик материаллардан хусусий турар-жой уйларни сейсмик таъсирга ҳисоблашнинг муҳандислик услубияти ишлаб чиқилган; ёғоч каркас тугунлари ва глинали уйларнинг конструкциявий ва сейсмик ҳавфсизлигини таъминловчи кучайтириш усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

9

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, қурилиш меъёр ва қоидалари асосида амалга оширилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро мутаносиблиги, назарий ва экспериментал олинган муҳим натижаларни амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий аҳамияти ёғоч ва глинали конструкциялар ҳисоблаш услубиятини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, мустаҳкамлиги кичик материаллардан хусусий турар-жой уйлар зилзилабардошлиги ва сейсмик ҳавфсизлигини таъминлаш назариясини ривожланишига муайян даражада хизмат қилади.

Ишни амалий аҳамияти мустаҳкамлиги кичик материаллардан кам қаватли турар-жой уйларнинг сейсмик ҳавфсизлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, улар лойиҳаниладиган янги бинолар учун, шу билан бирга эксплуатация қилинаётган объектларнинг реконструкциясида, турар-жой уйларни тадқиқ қилиш бўйича тақдим этилган натижалар ва уларни сейсмик ҳавфсизлик бўйича турларга бўлиниши, объектларни реконструкция ва бузилиш муддатлари ёки навбатини аниқлашда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган хусусий турар-жой уйларининг конструкциявий ва сейсмик ҳавфсизлигини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

сейсмик таъсирга ҳисоблашнинг соддалаштирилган муҳандислик услубияти, девори кучайтирилган уйларнинг динамик характеристикалари, ўқ бўйича куч ва эгилиш шароитидаги ёғоч элементлар ҳисоби, мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланадиган якка тартибдаги турар жой уйларини кучайтириш ва лойиҳалаш бўйича илмий натижалар

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Наманган ва Андижон вилоятлари бош бошқармалари тасарруфидаги ҳудудий тизим ташкилотларига жорий қилинган (Давлат архитектура қурилиш қўмитасининг 2016 йил 2 ноябрдаги 6990/15-03-сон маълумотно маси). Илмий-тадқиқот натижаларини қўллаш жараёнида меҳнат сарфини 30 % га камайтиришга эришилган;

ишлаб чиқилган ҳисоблаш усули ва кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолатини баҳолаш комплекс дастурлари ва терим материаллини физик механик характеристикаларини аниқлашга эксперименталь-назарий ёндошув услубияти илмий натижалари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳудудий бошқармалари давлат экспертизаси, архитектура ва қурилиш назорати ташкилотларига жорий қилинган (Давлат архитектура-қурилиш қўмитасининг 2016 йил 2 ноябрдаги 6990/15-03-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари қурилиш назорати ва лойиҳаларни текшириш ишларига

10

сарфланадиган вақтни 1,3 марта қисқартириб иш фаолияти самарадорлиги ошириш имконини берган.

диссертация тадқиқотида олинган тебранишни бир хил частотада ушлаб турувчи ва сошлаш имконияти бўлган вибростенд, А-3-122-«Хом-ашёни табиий хусусиятларига таъсир қилмасдан майда ифлосликлардан тозалайдиган қурилмани яратиш» рақамли грант лойиҳасида (2014-2015) тебранма турли юза ёрдамида тозалаш имконини берадиган қурилмани яратишда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 28-октябрдаги ФТК-02-13/725-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қурилмада қўлланилиши турли юзаларни устувор ишлашини таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 8 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 45 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 19 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 16 таси республика журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва

зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилиб, тадқиқотларнинг объект ва предметлари келтирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий амалий аҳамияти, уларни қурилиш амалиётида қўлланилганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг нашри ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган хусусий турар-жой уйлари қурилиш амалиётининг ривожланиш ҳолати ва тизимли таҳлил»** деб номланган биринчи бобида тадқиқ қилинаётган ҳудуднинг сейсмик таҳлили, Фарғона водийси ҳудудининг сейсмиклик шароитига баҳо берилган, қисқача якка тартибдаги қурилиш амалиёти ва ривожланиш тарихи таҳлил қилинган, мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган турар-жой уйлариининг техник ҳолати, юз берган зилзилалар оқибатларининг муҳандислик таҳлили ва баҳолашлар берилган, назарий ва экспериментал тадқиқотлар комплекс ўрганилган. Олинган хулосаларга асосланиб тадқиқот вазифалари белгиланган.

11

Диссертациянинг **«Мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган хусусий турар-жой уйлариининг ҳисоблаш услубияти»** деб номланган иккинчи боби маҳаллий материаллардан қурилган, катта бўлмаган содда шаклли, юк кўтарувчи деворлари каркас билан кучайтирилган якка тартибдаги қурилишларни мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлигини ҳисоблаш услубиятини ишлаб чиқишга бағишланган. Услубият қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: қурилишни математик моделини яратиш; қурилишни алоҳида конструктив жиҳатларини эътиборга олиш имкониятини берувчи сонли усулни танлаш-чекли элементлар усули (ЧЭУ); ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурларини яратиш, қурилишни берилган юкламаларга ҳисоблаш; чекли элементлар усулини танланиши қурилиш ҳисоблашларини бажаришда реал геометрия ва конструктив жиҳатларини эътиборга олиш имкониятини бериши билан асосланган.

Тадқиқ қилинаётган қурилишларни зилзилабардошлигини ҳисоблаш орқали тасдиқлашда учта асосий ҳисоблаш турларидан фойдаланилган: динамик характеристикаларини аниқлаш, бу бўйича конструкциянинг бикрлиги баҳоланади, шартли сейсмик юкламани аниқлаш ва унинг таъсирига бинони статик ҳисоблаш. Ундан кейин конструкциядаги кучланиш ва кўчишларни ҳисоблаш, қўлланилаётган материаллар учун рухсат этилган қийматлари билан уларни таққослаш бажарилади, шулар асосида конструкциянинг сейсмик таъсирдаги мустаҳкамлиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

Қурилишни фазовий модели юк кўтарувчи деворда очик ўринлари (дераза ва эшик) мавжуд бўлган кути кўринишини, том ва ора ёпма дискларини кўрсатади. Қурилишларни бир нечта вариантлари тадқиқ қилинган: ора деворли, ора ёпмали ва каркас билан кучайтирилган.

Бино асосини чегаравий шартлари ва мумкин бўлган кўчишларни вариациявий принципини ўз ичига олувчи математик асоси келтирилган. Дискрет чекли элементларнинг асосий босқичлари ва олинган ҳал қилувчи ечиладиган тенгламалар системаси кўрсатилган.

$[K]\{u_i\}=\{P\}$ – статик масалани ечиш учун ёки бир жинсли алгебраик тенгламалар системаси $([K]-\omega^2[M])\{X\}=0$ – хусусий қийматлардаги динамик масалалар учун.

Давлат патент идорасида руйхатга олинган ишлаб чиқилган алгоритм ва комплекс ҳисоблаш дастурлари асосида, икки қаватли қисман каркас билан кучайтирилган тўртбурчак режали қурилишни фазовий ҳисоби бажарилган. Ҳисоблашлар кўрсатадики, деворни каркас билан кучайтириш кучайтирилган девордаги кучланишни тенг тақсимлаб, уни максимал камайтиради, сейсмик таъсирда эса ғишт терими қирқилишидаги максимал ҳисобий қаршилиқ паст марка қоришмали қуйи қаватдаги ҳисобий қаршилиқни ошириши мумкин, бунда 7 балли зилзилада ҳам дарзлар ҳосил бўлиши мумкин. Олинган натижалар мустаҳкамлиги кичик материаллардан сейсмик ҳавфли ҳудудларда уйлар қурилишида ҳисобга олиниши лозим.

Диссертациянинг «**Мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган хусусий турар-жой уйлари**нинг зилзилабардошлиги» деб

12

номланган учинчи боби маҳаллий материаллардан якка тартибдаги қурилишларни мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлигини оширишга бағишланган. Кўрилган қурилишлар (1а,б,в-расмлар) – бу маҳаллий қурилиш материаллардан бир қаватли ва икки қаватли ёғоч ёки темирбетон вертикал каркасли, ташқи девори периметри бўйича вертикал устун кўринишида келтирилган. Устун кесимининг геометрик характеристикалари автоматик тарзда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган дастур бўйича аниқланади.

Катта бўлмаган содда шаклдаги якка тартибдаги уйлар қурилишларида маҳаллий материалларни қўллаш имконияти мавжудлигини назарий асослаш учун реал биноларга максимал мос келадиган фазовий моделлардан муаллиф фойдаланган, теримнинг физик-механик параметрларини танлашда эса ўтказилган табиий экспериментлар асос қилиб олинган. Ҳисоблашларда қурилишларни реал геометриясини, уларнинг конструктив жиҳатларини, эшик ва дераза ўринлари мавжудлиги ҳамда деворларни каркас билан кучайтиришни ҳисобга олиш имкониятини берувчи чекли элементлар усулидан фойдаланилган. Статик ва динамик ҳисоблашлар натижалари асосида, ёғоч ёки темирбетон каркасли турли кўринишдаги қурилишлар учун натижалар олинган, худди шундай каркассиз бинолар натижалари билан таққосланган ва шулар асосида мос хулосалар қилинган.

а) б) в)

1-расм. Вертикал каркасли якка тартибдаги қурилишлар: а-бир қаватли бир хонали; б-бир қаватли икки хонали; в-икки қаватли тўрт хонали.

Ёғоч ёки темирбетон каркас билан кучайтирилган ёки кучайтирилмаган турли қурилишлар бўйича статик ва динамик ҳисоблашлар асосида тадқиқотлар ўтказилган. Ҳисоблашлар чекли элементлар усули ёрдамида бажарилган.

Қаттиқ асосдаги уйларни чегаравий шартлари бир жинсли деб қабул қилинган:

$z=0: \delta u=\delta v=\delta w=0$ (1) Тугал-элемент модел дискретизацияси тўғри бурчакли (девор ва ора ёзма учун) ва стерженлардан иборат (каркас устуни учун), қурилишнинг глобал бикрлик $[K]$ ва масса матрицаси $[M]$ келтирилган адабиётлар манбаларида кўрсатилган матрица элементларидан шакллантирилган бўлиб, алгебраик тенгламалар системасининг ечимига келтирилган, агар статиканинг кучланганлик-деформацияланувчанлик масаласи қаралаётган бўлса

13

$$[K]\{u\} = \{P\}, (2)$$

ёки алгебраик масаланинг хусусий қийматлари ечимига

$$([K] - \omega^2 [M])\{X\} = \{0\}$$

$$[K] - \omega^2 [M] X = 0, (3)$$

2

бу ерда ω и $\{X\}$ – қидирилаётган частота и бино хусусий тебранишининг тебраниш шакли вектори, яъни унинг динамик характеристикалари; $\{P\}$ - масса кучларининг вектори (оғирлик).

Статик ҳисоблар (2) натижаси, тугал-элемент дискретизацияси тугун нуктасининг кўчиши $\{u\}$ ҳисобланади, у бўйича кучланишлар компонентлари аниқланади. Олинган кучланишларни ҳисобийлар билан таққослаш конструкциянинг мустаҳкамлиги тўғрисида хулоса чиқаришга асос бўлади.

Динамик ҳисоблар (3) натижаси, динамик характеристикалар – бинолар хусусий тебранишларининг частота ва шакллари ҳисобланади. Уларни аниқлаш ва экспериментал олинган натижалар қийматлари билан таққослаш глинали материаллардан қурилган бинолар материал теримининг физик механик характеристикаларини асосланган ҳолда танлаб олишда эътиборга олинган, қайсики меъёрий адабиётларда бу маълумотлар мавжуд эмас.

Мустаҳкамлиги кичик материаллардан кўрсатилган терим параметрларини аниқлаш учун муаллиф томонидан экспериментал-назарий ёндашув услубияти таклиф этилган, бу бўйича девор материалли эластиклик модулини танлашда, белгиловчи экспериментал олинган асосий тебранишлари даврларининг қийматлари ҳисобланади. Теримда глина қоришмали пишган ғишт қўлланилганда эластиклик модулининг мослигига $0,3 \cdot 10^3$ МПа.да, хом ғишт ва яхлит глинали қўлланилганда $0,28 \cdot 10^3$ МПа.да эришилди. Ҳисоблашларда терим учун олинган физик-механик параметрлардан тадқиқ қилинаётган биноларни заиф жойларини аниқлашда фойдаланилди.

Фазовий модел қўлланилиши қурилишда периметри бўйича қўйилган каркаслар қисмларигача ҳисобга олиш имкониятини берди, олинган давр ва шаклларни таҳлил қилинганда каркасининг мавжудлиги конструкция бикрлиги ошганлигини ва том ёпмада асосий тебраниш шаклларида буралишнинг мавжуд эмаслигини кўрсатди, бу қурилиш зилзилабардошлигини ошганлигидан ва маҳаллий материаллардан тикланадиган қурилиш деворларида каркас қўйишга тавсия беришга асос бўлади.

Аниқланган каркасининг боғловчилик роли, конструкция элементларини битта фазовий тизимга бирлашиши билан белгиланади. Бундай бирлашишнинг динамик эффекти тебраниш даврларини камайиши ва тебраниш шаклларини тўғриланишида ифодаланади. Статик эффект қўйилган статик юкламани каркас бикр элементлари олиши билан, сезиларсиз деформацияни ҳосил бўлиши, каркас элементлари орасидаги деворга узатилиши билан изоҳланади.

14

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида якка тартибдаги қурилишларни кучланганлик ҳолатининг турли компонентлари олинди. Олинган натижалар учинчи бобда келтирилган.

Диссертациянинг **«Мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган хусусий турар-жой уйлариининг экспериментал динамик характеристикалари»** деб номланган тўртинчи бобида кўп марта такрорланувчи юкламалардан ёғоч синч конструкциялари элементларидаги ён пластик деформациянинг ривожланиш характери ва қонуниятининг тадқиқ натижалари келтирилган, маҳаллий материаллардан тикланган уйлардаги зилзилабардошлик муаммолари кўрсатилган, ишлаб чиқилган динамик таъсирларда олинган маълумотларни қайта ишлаш натижалари ва экспериментал эгри чизикларни аппроксимацияси билан экспериментал тадқиқотлар ўтказиш услубияти берилган.

Ёғоч-синч конструкциялари такрорланувчи юклар таъсирида мураккаб деформацияланувчанлик ҳолатида бўлади. Бу конструктив схемасининг махсуслиги, яъни чўзилувчи элементлар сиқилиш зўриқишларини қабул қила

олмаслиги, тугунда тиралиш бирикмаларида бўлган ёғоч элементларни чўзилишга ишламаслигидир. Шу билан бирга, такрорланувчи-ўзгарувчан турдаги юклар - $P(t)$ инерция кучларини- $m\ddot{Y}$ ҳосил қилиши ва элементларни ҳисоблашда эътиборга олинмаган кучларни юзага келтириши мумкин.

Ёғоч-синч конструкциялари конструктив-ночизиқли тизимларга киради, уларда синч элементлари бир томонлама ишлайди, яъни чўзилувчи элементлар фақат чўзилиш, сиқилувчи элементлар фақат сиқилиш зўриқишларини қабул қилади. Қоида бўйича ёғоч синч элементларининг бириктирилиши таянчга тиралган ҳолда бажарилади. Мавжуд сиқилувчи ва чўзилувчи ёғоч синч тизими тебраниши жараёнида, конструктив элементларда кўп марта зўриқиш ҳосил бўлиши ёки йўқолиб қолиши юз беради. Ёғоч элементларни ишлаб-ишламай қолиши, тугунлардаги зичлашиш ва очилишни ҳосил бўлиши, ёғочда ён пластик деформацияни ривожланишига олиб келади. Бу ҳолат статик ва динамик таъсирларда синч тизимларидаги кучланганлик-деформацияланувчанлик ҳолатини ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Таъкидлаб ўтилганларни эътиборга олиб, такрорланувчи-ўзгарувчан юклар (ер тебраниши, пульсацияли таъсирлар) шароитидаги ёғоч-синч конструкциялари тадқиқотлар билан текширилиши лозим. Шу мақсадда, ён пластик деформацияни, юкланиш даражаси ва циклларга боғлиқ ҳолда ривожланиши экспериментал тадқиқ қилинди.

Ён деформацияни ривожланишини тадқиқ қилиш учун 50x50x150 мм ўлчамдаги ёғоч призма намуналар сериялари тайёрланди. Бутоғсиз ва қийшиқ қатламсиз қарағай ёғочидан фойдаланилди. Жами, тадқиқот учун 240 та намуналар тайёрланди ва улар 5 та серияларга бўлинди.

Ён пластик деформация миқдори иккита ўзгарувчи цикллар сони ва юкланиш даражасининг функцияси ҳисобланади:

$$(\Delta_{\text{эз}}) = f(n, \eta) \quad (4)$$

15

бунда $\Delta_{\text{эз}}$ —ён пластик эзилиш деформацияси; n —юклаш цикллари сони; η —юкланиш даражаси.

Мустақкамлик шартидан намунага ҳисобий юклама тенг $P_{\text{хис}} = 32,5 \text{ кН}$, узоқ қаршилиқ кўрсатиш коэффицентини ҳисобга олганда эса $P_{\text{хис}} = 65 \text{ кН}$ га тенг бўлади.

$$\eta = \frac{P}{P_{\text{экс}}}$$


Юкланиш даражаси режими қуйидаги ифода орқали аниқланди P

хис

ва экспериментал юклар 10 кН, 30 кН, 50 кН, 70 кН, 90 кН қийматларига мос ҳолда - 0,15; 0,46; 0,77; 1,08; 1,4 тенг бўлди. Ҳар бир намуна 50 марталик η юкламаларга юклаш ва юксизланишга тортилди.

экспериментал - P_y, P_x

Ҳар бир серия намуналар учун деформация ўзгаришларининг ишончлилик оралиқлари аниқланди, ён пластик деформация ва юклаш цикллари орасидаги боғланиш графиклари ($\eta=0,77$ ҳол учун 2-расмда кўрсатилган) қурилди. Графикдан кўриниб турибдики, ён деформациянинг интенсивлиги юкланиш даражаси- $\eta \leq 1$ бўлган ҳолларда сўнувчи характерда бўлади. Юкланиш даражаси ортиши билан, ён деформациянинг интенсивлиги ошади, масалан, агар юкланиш даражаси 0,15 бўлганда интенсивликдан асимптоталикка ўтиш 2-4 цикллarda рўй берса, юкланиш даражаси 0,77 бўлганда бу 1-2 цикллари ташкил қилади. Юкланиш даражаси 1дан катта бўлганда, ён деформациянинг жуда тез ўсиш характери кўп ҳолларни ташкил қилади. Ён деформациянинг ортишини юкланиш даражасига боғлиқлиги ўрта юкланганлик ҳолатлари 2-расмда келтирилган (яъни, $n=2,20,30,40$ ларда).



2-расм. $0,77 \cdot P_{\text{хис}}$ даги $\Delta_{\text{эз}}$ и n -ларнинг боғланиш графиги

Ён деформациянинг максимал экспериментал ўсиш асимптота чегараси юкланиш даражасига боғлиқ ҳолда ортади. Масалан, 0,15 да чегара $6,6 \times 10^{-2}$ мм, худди шу кўрсаткич 0,46, 0,77 ва 1,08 ларга мос ҳолда $29,7 \times 10^{-2}$ мм, $50,2 \times 10^{-2}$ мм ва $105,6 \times 10^{-2}$ мм ларни ташкил қилади. Синовларда 1,4 юкланиш даражасида 50 циклда 2,1 мм чегарада жойлашади, муҳими бу ҳолда деформацияланишда асимптота характери мавжуд эмас.



3-расм. 1:5 масштабдаги якка каркасли модел



4-расм. 1:5 масштабдаги қўш каркасли модел

Ёғоч-каркасли уйларнинг моделлари экспериментал тадқиқ қилинди, бунинг учун иккита вариантда 1:5 масштабда қуйидагилар тайёрланди: якка ва қўш каркасли – «Синч» (3-4-расмлар), табиий ҳолдагисининг режадаги ўлчами 4000х5000х3000 мм ни ташкил қилади. Моделдаги тебранишни муаллиф томонидан ишлаб чиқилган вибростенд ёрдамида ҳосил қилинди.

Тебраниш частотасини ўсиш ва камайиш ҳолатларида, ёғоч-каркасли уй моделларининг ўзини тутиши визуал кузатиб борилди ва осциллограф Н041 ёрдамида ҳолат ёзиб олинди. Ҳар бир синов ва виброграмма ёзуви тўрт маротаба такрорланиб, таҳлил жараёнида энг сифатлилари танлаб олинди ва улар орқали якка ва қўш ёғоч-каркасли уйларнинг динамик характеристикалари аниқланди.

Глинали уйларни экспериментал динамик тадқиқ қилиш учун иккита темирбетон ўзаклар билан кучайтирилган бир қаватли - биринчиси глинали ва иккинчиси хом ғиштли уйлар қурилди (5-расм).



5-расм. Наманган вилоятининг Уйчи ғишт заводи ҳудудида темирбетон ўзак билан кучайтирилган мустаҳкамлиги кичик материаллардан қурилган уйлар: чапда-яхлит глинали; ўнгда- хом




6-расм. Темирбетон ўзак билан кучайтирилган яхлит глинали уйни эксперимент жараёни

Уйларни динамик характеристикалари микросейсмик тебранишлар


натижасида аниқланди (6-расмга қаранг).

Уйлар асоси кенглигини 500 мм.ли бетон пойдевор ташкил қилади, ерга

кириш чуқурлиги 500 мм ва ер сатҳидан баландлиги 400 мм. Уйларни режадаги ўлчами 4000х5000 мм ва қават баландлиги 3000 мм. Дераза ва эшик ўлчамлари ҳамда қолган ўлчамлари 7-8-расмларда кўрсатилган.



7-расм. Бир қаватли темирбетон ўзак билан кучайтирилган хом ғиштли уй девор



8-расм. Бир қаватли темирбетон ўзак билан кучайтирилган яхлит глинали уй девор режаси

Микросейсмик тебранишлар тортиб-узиш методи асосида ҳосил қилинди. Бунинг учун диаметри 20 мм бўлган вант-канат ёрдамида горизонтал йўналишда тортиб, калибровка қилинган ҳалқалар ёрдамида юкламалар ҳосил қилинди (9-расм), металл трубадан 9 та сериядаги ҳалқалар тайёрланди, улар гидравлик пресс ёрдамида лаборатория шароитида чўзилиш зўриқишига калибровка қилинди.

Том элементларидаги юкламани ҳисобга олиниши учун, бўйлама деворга 7,5 кН га тенг бўлган юклама қўйилди. Бу қиймат том оғирлигига эквивалентдир. Тортиш кучи биринчи босқичда 2,35 кН га тенг; иккинчи босқичда 3 кН; ...4,5 кН; 7,3 кН; 10,5 кН; 15,1 кН; 25,8 кН; 34,7 кН; 43,5 кН; 69,4кН; 87 кН.

Синовлар олинган натижаларни ишончлилигини таъминланиши учун бир неча марта такрорланди ва олинган ёзувлар таҳлил қилинди.



9-расм. Экспериментал уйни тортиш схемаси: а-ёндан қўриниши; б-юқоридан қўриниши
Олинган натижа ва сейсмограммалар устида ишлаш натижасида хом ғиштли ва яхлит глинали уйларни динамик характеристикалари аниқланди (1-2 - жадваллар).

1-жадвал

Бир қаватли темирбетон ўзак билан кучайтирилган хом ғиштли уйни
экспериментал динамик характеристикалари

№	Логарифмик декремент	Даври	Энергияни ютилиш коэффициенти	Ноэластик қаршилик коэффициенти
	δ	T, сек	ψ	γ
1	0,133	0,076	0,266	0,042
2	0,221	0,081	0,442	0,07
3	0,133	0,073	0,266	0,042
4	0,135	0,1	0,27	0,043
5	0,159	0,104	0,318	0,051
6	0,203	0,1	0,406	0,065
7	0,261	0,112	0,522	0,083
8	0,296	0,086	0,592	0,094
9	0,262	0,093	0,524	0,083

1-жадвалдан кўриниб турибдики, бир қаватли темирбетон ўзак билан кучайтирилган хом ғиштли уй динамик характеристикаларининг қийматлари қуйидаги чегараларда бўлади: $\delta=0,133\div0,296$; $T=0,073\div0,112$; $\psi=0,266\div0,592$; $\gamma=0,042\div0,094$; $f=10,87$ гц.

Бир қаватли темирбетон ўзак билан кучайтирилган яхлит глинали уй динамик характеристикаларининг қийматлари қуйидаги чегараларда бўлади:

19

(2-жадвал): $\delta=0,107\div0,242$; $T=0,085\div0,108$; $\psi=0,214\div0,484$; $\gamma=0,034\div0,077$; $f=10,87$ гц.

2-жадвал

**Бир қаватли темирбетон ўзак билан кучайтирилган яхлит глинали уйни
экспериментал динамик характеристикалари**

№	δ	T, сек	ψ	γ
1	0,107	0,089	0,214	0,034
2	0,125	0,085	0,25	0,04
3	0,16	0,092	0,32	0,051
4	0,202	0,091	0,404	0,064
5	0,215	0,092	0,43	0,068
6	0,171	0,093	0,342	0,054
7	0,201	0,089	0,402	0,064
8	0,21	0,088	0,42	0,067
9	0,196	0,09	0,392	0,062
10	0,228	0,088	0,456	0,073
11	0,242	0,108	0,484	0,077
12	0,229	0,103	0,458	0,073

Қуйидаги 3-жадвалда, диссертация иши тадқиқотларининг экспериментал ва назарий натижалари таққосланган.

3-жадвал

**Якка тартибдаги уйлар экспериментал ва динамик характеристикаларини
таққослаш натижалари**

№	Объект ўлчами, м	Конструкцияси	Тебраниш даврлари, сек	
			Назарий	Экспериментал
ЎЗР ФА қошидаги «Иншоотлар зилзилабардошлиги» натижалари				

1	13,1x13,5x4	Яхлит глинали	0,12	0,118
2	12x10x4,2	Пишган ғиштли	0,16	0,15
т.ф.н. Исабаев С.У. натижалари				
1	3x1,5x0,25	Ишлов берилмаган яхлит глинали девор	0,058	0,065
2	3x1,5x0,25	Термик ишлов берилган яхлит глинали девор	0,064	0,06
т.ф.н., доцент Хаджиев И.М. натижалари				
1	5,95x4x2,95	Модификацияланг ан яхлит глинали	0,085	0,084-0,091
т.ф.н., доцент Раззаков С.Ж. натижалари				
1	4x5x3	Хом ғиштли темирбетон ўзак билан кучайтирилган	0,087	0,73-0,112
2	4x5x3	Яхлит глинали темирбетон ўзак билан кучайтирилган	0,092	0,085-0,108
3	4x5x3	Ёғоч-каркасли	0,04	0,02-0,204 (0,093-0,139)

Тадқиқ қилинган бинолар учун назарий ва эксперименталь олинган тебраниш даврлари кониқарли мос келганлиги 3-жадвалдан кўриниб турибди.

20

Диссертациянинг «**Мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган хусусий турар-жой уйларнинг конструкциявий ва сейсмик ҳавфсизлигини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида уйларни синфланиши ва конструкцияларини баҳолаш тартиби баён қилинган; зилзилабардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳажмий-режавий ва конструктив ечимларига баҳо берилган; сейсмик таъсирдан шикастланиш даражаларига баҳо берилган; синч туридаги каркасли уйлар зилзилабардошлигини таъминлаш ва кучайтириш бўйича, глинали деворларни кучайтириш, хом ғишт деворли уйлар зилзилабардошлигини таъминлаш, зилзилабардош девор конструкцияларига бўлган талаблар, ора ёпма, том ёпма, том ва уларни девор билан бириктирилишига, шунингдек уйларни эксплуатация қилиш бўйича тавсиялар берилган.

Ишлаб чиқилган методология ва тадқиқот ўтказиш режасига мувофиқ,

Наманган вилоятининг мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган якка тартибдаги уйлари қурилишлари тўғрисидаги статистик маълумотлар вилоят ва туман давлат кадастр бошқарув хизмати маълумотлари асосида йиғилган.

Тузилган синфланишга мос ҳолда, барча ҳудудлар бирликларида якка тартибдаги уйлар турлари кўплиги бўйича қуйидаги юк кўтарувчи конструкциявий тизим турлари кўринишларига ажралади: хом ғишт деворли деворли уйлар; ёғоч-тахтали уйлар.

уйлар; синч каркасли уйлар; пишган ғишт деворли уйлар; яхлит глина

200 000 150 000 100

000 50 000

126 23⁴

23 764 158 10²

1 63⁸

0

Хом
ғиштли
уйлар, 33,4
%

Глинали
уйлар,

6,3 %

синчли
уйлар,
ёғоч
41,9 %

ёғоч
тахтали
уйлар, 0,4
%

Наманган 126 234 23 764 158 102 1 638

10-расм. Наманган вилояти бўйича турли хил юк кўтарувчи конструктив тизимдаги мустаҳкамлиги кичик материаллардан якка тартибдаги турар-жой уйлари умумий кўламга нисбатан нисбати.

10-расмда Наманган вилоятининг якка тартибдаги турар-жой фонди умумий ҳажмида белгиланган юк кўтарувчи конструкциявий тизимдаги уйлари умумий фоиз ва сонли нисбатини берувчи диаграмма келтирилган. Келтирилган диаграммадан кўришиб турибдики, Наманган вилоятида энг кўп тарқалган якка тартибдаги турар-жой уйлари каркас-синч ҳисобланиб, якка тартибдаги турар-жой уйлари умумий ҳажмининг 41,9 фоизини ташкил қилади. Навбатдаги сон қиймати бўйича энг кўп ҳисобланган хом ғиштли уйлар 33,4 фоизни ташкил қилади. Пишган ғиштли уйлар вилоят якка тартибдаги турар-жой фондининг 18 фоизини, яхлит глина деворли уйлар

21

6,3 фоизини ташкил қилади. Унча кўп бўлмаган сондаги гуруҳни, вилоят якка тартибдаги турар-жой фондининг 0,4 фоизидаги ёғоч-тахтали уйлар ташкил қилади.

Наманган вилоятининг якка тартибдаги қурилиш турар-жой уйлари умумий ҳажмий-режавий ва конструктив ечимларини баҳолаш, зилзилабардошлик нуқтаи назаридан амалдаги ҚМҚ 2.01.03-96 предмети талабларига мослиги бўйича бажарилди. Алоҳида таъкидлаш лозим, хом ғишт ва яхлит глина деворли уйлар параметрлари келтирилган диссертациядаги 5.2-жадвалда, уйлардаги мавжуд антисейсмик чора-тадбирларни, пойдевор ва тош материалларидан қилинган цокол қисмини ҚМҚга мослигини кўриб чиқиш

назарда тутилади. Мос равишда, синч-каркасли уйларда чегаравий параметрлар бўйича бетон ёки тош материалли пойдеворлар мавжудлигини ҳам эътиборга олинади.

Ҳақиқатда эса уйларни табиий тадқиқ қилиш натижалари, аксарият ҳолларда антисейсмик чора-тадбирлар мавжуд эмаслигини кўрсатди. Худди шундай пойдеворни ўрнатишга нисбатан ШНҚ ва ҚМҚ талабларига мос келмаслиги мавжуд.

Минтақада якка тартибдаги турар-жой қурилишларининг энг характерли ҳажмий-режавий ва конструктив ечимлари, табиий тадқиқ қилиш орқали ўрганилди. Бунда, тадқиқ қилинаётган минтақадаги тузилган синфланишга мос равишда танланган хом ғишт деворли, синч-каркасли, яхлит глина деворли уйлар энг характерли юк кўтарувчи девор турлари сифатида тадқиқ қилинди.

Табиий тадқиқотлар натижалари асосида якка тартибдаги турар-жой уйларининг ҳажмий-режавий ва конструктив ечимларини амалдаги ҚМҚ талабларига мос келиши бўйича баҳолаш амалга оширилди. Бунда энг характерли ва кўп учрайдиган қурилишдаги ҚМҚ талабларига мос келмайдиган, реализация қилинган ҳажмий-режавий ва конструктив ечимлар ажратиб олинди.

- шикастланиш даражалар^{II}

К^{III}_{ш.д.}

5 1 2 3 4 5 6 7 4

3

J, балл

2

0 6 7 8 9

1

11-расм. Зилзила интенсивлиги ва уйлар турларига нисбатан якка тартибдаги қурилиш уйларини бузилиш графиги (К_{ш.д.}-шикастланиш даражаси): 1- глина қоришмали ғиштли ёки блокли; 2-пахсали; 3-гилам ишлаб чиқариш чиқиндилари қўлланган пахса; 4-темирбетон билан кучайтирилган; 5-цемент қоришмали пишган ғиштдан; 6-ёғоч-каркасли қўш каркас билан; 7-9-балли ҳудуд учун антисейсмик чоралар билан пишган ғиштдан.

Охирги 50 йил давомидаги зилзилалар оқибатларини муҳандислик

22

таҳлил ва умумлаштириш асосида якка тартибдаги уйлар қурилишини сейсмик таъсир интенсивлигига нисбатан шикастланиш графиги тузилди (11-расм).

Келтирилган шикастланиш графиги турли интенсивликдаги зилзилаларда талофат миқдорини башорат қилиш имкониятини беради. Чўкувчан бўш грунтларда ва грунт сувлари сатҳи яқин жойлашганда якка тартибдаги қурилиш уйларининг шикастланиши маълум бир даражага ортиши мумкин.

Наманган вилояти худудида 7 балл интенсивликдаги сейсмик ҳодиса 226473 та бино бузилиши билан кузатилиши мумкин, бу 60 фоизини ташкил қилади. Бунда энг ҳавфли ва оғир 4-чи даражали шикастланиш олиши мумкин уйлар сони 14999 тани, бу якка тартибдаги турар-жой фондини деярли 4 фоизига ва турли даражада шикастланишдаги уйлар умумий сонининг яқин 7 фоизига тўғри келади. 7 баллда шикастланиш даражасига нисбатан мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган уйлар сони ташкил қилиши мумкин: 1-даража-79870, 2-даража - 15974, 3- даража - 74999, 4- даража - 14999; 8-баллда 2- даража - 79870, 3- даража - 15974, 4- даража - 74999, 5- даража - 14999; 9 баллда 3- даража - 119804, 4- даража - 15974, 5- даража - 112498.

8 балл интенсивликдаги зилзила юз берганда вилоят бўйича шикастланадиган уйларнинг умумий сони 226473 тани, яъни яқин якка тартибдаги турар-жой фондини 60 фоизини ташкил қилиши мумкин. Энг ҳавфли ва оғир 4-5-даражали шикастланиш олиши мумкин уйлар сони 96770 тани ёки яқин 26 фоиз якка тартибдаги турар-жой фондини ва турли даража шикастланишдаги уйлар умумий сонининг яқин 43 фоизини ташкил қилиши мумкин.

